

RUSSIAN VERSION



UNITED STATES COMMISSION ON
INTERNATIONAL RELIGIOUS FREEDOM

UZBEKISTAN CHAPTER
USCIRF 2010 ANNUAL REPORT

Халқаро Диний Эркинлик Масалалари бўйича АҚШ Қўмитасининг 2010 йил Йиллик Ҳисоботининг Қисқача Таҳрири

1998 йил Халқаро Диний Эркинлик Акти (ХДЭА) асосида ташкил этилган АҚШнинг Халқаро Диний Эркинлик Қўмитаси (АҚШХДЭҚ ёки Қўмита) мустақил, бипартизан АҚШ ҳукумат қўмитаси бўлиб, чет элларда Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси ва бошқа халқаро инструментларда таърифланган дин ва иймон эркинлиги бузилиши ҳолатларини кузатиб боради, ҳамда Президент, Давлат Котиби ва Конгресс учун сиёсий тавсиялар беради.

АҚШ Давлат Департаментидан мустақил бўлган ҳолда Қўмита 10 та аъзодан иборат. Қўмитачиларнинг уч нафари Президент томонидан ва олтитаси Конгресс раҳбарияти томонидан тайинланади. Халқаро Диний Эркинлик бўйича Жаҳон Элчиси лавозими ҳам ХДЭҚ томонидан Давлат Департаменти қошида ташкил этилган бўлиб, лавозими бўйича Қўмитанинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган *расмий* аъзоси ҳисобланади.

Йиллик Ҳисобот Қўмита учун махсус эътиборда бўлган давлатларда дин ёки иймон эркинлиги шароитларини тасвирлаб беради, ҳамда дин ёки иймон эркинлиги масалалари АҚШ ташқи сиёсатининг янада ажралмас қисми бўлиб қолишини таъминлаш мақсадида сиёсий тавсиялар бериб боради. Йиллик Ҳисобот диний эркинликни жиддий равишда чеклаган давлатларни Давлат Котиби томонидан ХДЭА доирасида “Махсус Эътибордаги Давлат” (МЭД) сифатида эътироф этиш тавсия қилинган давлатлар; диний эркинликни чегералаган, лекин МЭД сифатида эътироф этиш учун етарли асос бўлмагани учун Кузатувдаги Рўйхатга киритилган давлатлар; ва Қўмита томонидан яқиндан кузатиб борилаётган бошқа давлатлар бўйича маълумотларни ўз ичига олади. Ҳисоботнинг тўлиқ матнини www.uscirf.gov манзилдан олиш мумкин.

2010 йил Йиллик Ҳисоботи 2009 йил апрель ойидан 2010 йил март ойигача даврни ўз қамровига олади.

Махсус Эътибордаги Давлатлар ва Кузатув Рўйхати

Президент томонидан ваколат берилган Давлат Котиби томонидан қайси давлатлар “Махсус Эътибордаги Давлат” ёки МЭД сифатида эътироф этилиши ҳақида ХДЭҚ йўналишлар беради. Ҳукуматлари диний эркинликни “ўта жиддий” равишда бузган ёки бундай ҳаракатларни бартараф этшга уринмаган давлатлар МЭД сифатида эътироф этилади. ХДЭҚ “ўта жиддий” иборасига “систематик, давомий, яққол намоён бўлган”, жумладан қийноқ, айбловсиз узоқ муддат қамоқда сақлаш, бедарак йўқотиш, ёки “яшаш, озодлик, инсон ҳавфсизлиги ҳуқуқларини очиқдан-очиқ рад қилиш” ҳаракатлари деб таъриф беради. Мамлакат МЭД сифатида эътироф этилганидан сўнг, Президент, қонунга биноан, ХДЭАда кўзда тутилган чораларни кўриш орқали бундай ҳуқуқбузарликларга қарши туриши лозим

Давлат Департаменти 2009 йилнинг январ ойида 2006 йил ноябрида МЭД сифатида эътироф этилган саккиз давлатни яна қайта эътироф этди, улар: Бирма, Корея

Республикаси (Шимолий Корея), Эритрея, Эрон, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистони, Судан ва Ўзбекистон. Тегишли чоралар кўришни бошлашдан аввал “(Халқаро Диний Эркинлик) Акти мақсадлари йўлида” Давлат Департаменти Ўзбекистонга 180 кунлик, Саудия Арабистонига эса аниқ кўрсатилмаган муддат беришга қарор қилди. Бу муддатлар берилиши натижасида, АҚШ бу икки давлатдаги диний эркинликни ўта жиддий тарзда бузилиши ҳолатларига қарши ҳеч қандай сиёсат олиб бормади

Ушбу ҳисобот даврида Кўмита Давлат Котибига қуйидаги 13 давлатни МЭД сифатида эътироф этишини тавсия қилади: Бирма, Корея Халқ Демократик Республикаси (Шимолий Корея), Эритрея, Эрон, Ироқ¹, Нигерия², Покистон, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистони, Судан, Туркменистон, Ўзбекистон ва Вьетнам.

Кўмита, шунингдек, МЭД сифатида эътироф этиш учун етарли асос бўлмаган давлатлар ҳукуматлари томонидан дин эркинлигини жиддий тарзда бузилиши ёки бундай ҳолатларга қарши чора кўрмаслик ҳолатларини яқиндан кузатиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, Кузатов Рўйхатида киритилувчи давлатлар бўйича ҳам тавсия беради. Бу давлатлар яқиндан кузатиш, баъзи ҳолатларда Давлат Департаменти ва халқаро ташкилотлар томонидан мақсадли дипломатик чоралар кўрилишига лойиқ топилади. Ушбу ҳисобот даврида Кўмитанинг Кузатов Рўйхати Афғонистон, Беларусия, Куба, Миср, Ҳиндистон, Индонезия, Лаос, Россия, Сомали, Тожикистон, Туркия ва Венесуэла давлатларини ўз ичига олади

Кўмитанинг Ўзбекистондаги вазият бўйича маълумоти

ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР: Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгандан буён, фундаментал инсон ҳуқуқлари, дин ва виждон эркинлиги қаттиқ босим остида қолди. Ўзбекистон ҳукумати диний фаолият олиб борган шахсларга нисбатан, уларнинг диний мансублигидан қатъий назар, аёвсиз жазоларни қўллабди. Дин эркинлигини чекловчи қонунлар диндор ҳамжамиятларнинг фаолият юритишини ўта мушкул ҳолга келтириб, Ўзбекистон ҳукуматига уларни бошқаришда кенг имкониятлар беради, шунингдек, Исломи динига юқоридан тасдиқлаб берилган тусда амал қилишга ундайди. Ўзбекистон ҳукумати давлат томонидан белгиланган меъёрларга мос келмайдиган ёки давлат нуқтаи назаридан экстремист сиёсий оқимларга алоқадор фаолият билан шуғулланувчи шахсларни қамокқа олиш, гуруҳлар ва масжидларни сиқувга олишни давом эттирмоқда. Бундай сиёсат натижасида минглаб одамлар қамокқа олинган; уларнинг кўпчилиги қонун доирасида тергов қилинмаган ва қийноқларга солинган. Ўзбекистон ҳафвсизлигига диний оқимларга мансуб гуруҳлар томонидан маълум хатарлар мавжуд бўлсада, бу ҳавф Ўзбекистон ҳукуматининг диндорларга нисбатан адолатсиз ёндашувини оқлай олмайди.

¹ Кўмитанинг Ироқ хусусидаги ҳисоботида қўшилган ҳолда, Кўмита аъзоларидан Кромарти, Ийд, Ланд ва Лео МЭД сифатида тавсия бериш фикридан қайтиб, Ироқнинг Кўмитани Кузатов Рўйхатида қолиши ҳақида хулоса беришган.

² Кўмита аъзоси Кромарти Нигерияни МЭД сифатида тавсия бериш фикридан қайтиб, Кўмитанинг Кузатов Рўйхатида қолдириш ҳақида хулоса берган.

Шу асосда, АҚШДЭҚ Ўзбекистонни 2010 йилда “Махсус Эътибордаги Давлат” ёки МЭД сифатида эътироф этишни тавсия қилишда давом этади. 2006 йилдан буён Давлат Департаменти Ўзбекистонни шундай давлат сифатида эътироф этиб келмоқда.

Ўзбекистон милицияси ва хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қайд қилинган ва қилинмаган диний гуруҳлар аъзолари тинч диний фаолият олиб борган ҳолатда ҳам қийноққа солинади. Тинч фаолият юритувчи, қайд қилинмаган мусулмон гуруҳлар аъзоларига нисбатан айбловлар қўйилиб, халқаро стандартларга мос келмайдиган суд жараёнлари натижасида узоқ муддатли қамоқ жазолари белгиланган. 2008 йилдан буён Ўзбекистон ҳукумати *Нур* гуруҳига қарши кураш бошлаган ва уларга экстремизм айбловини қўйган. Ваҳоланки бу гуруҳ кўпоровчилик ҳаракати билан шуғулланмайди ва унга тарғиб ҳам қилмайди. 2009 йил давомида Ўзбекистон судлари томонидан 47 шахс умумий йиғиндиси 380 йиллик қамоқ жазосига маҳкум қилинган. Кичик диний оқимлар, айниқса, ўз динига тарғиб қилишда шубҳаланган гуруҳлар ҳам сиқувга олинади. Яқинда Пантекостал (протестант оқими) роҳиб ва учта Женова Шохидлари қамоқ жазосига маҳкум қилинди.

ҚАТЪИЙ ТАВСИЯЛАР: Давлат Департаменти Ўзбекистонни яна МЭД сифатида эътироф этиши лозим. Қайта эътироф этиш билан бир қаторда санкциялар қўлланиши, шунингдек, Ўзбекистоннинг юқори мансабли давлат ходимларининг АҚШга кириши ман этилиши лозим. АҚШнинг Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ шароитлар ҳақидаги безовталиги Ўзбекистон ҳукумати билан амалга ошириладиган барча муносабатларда ўз аксини топишини, шунингдек, АҚШнинг хавфсизлик ва бошқа йўналишлардаги кўмаги Ўзбекистондаги диний эркинликнинг жиддий бузилишига жавобгар бўлган ҳукумат идораларига йўналтирилмаслигини таъминлаш лозим. АҚШ томонидан Ўзбекистон ҳукуматига гуманитар шароитларни ва инсон ҳуқуқлари ҳолатларини яхшилаш мақсадидаги ёрдамлардан ташқари бошқа ёрдамлар, ҳукуматнинг дин ва иймон эркинлигини таъминлаш, ҳамда халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларга риоя қилиш йўлида аниқ ҳаракатларни амалга оширган ҳолдагина берилиши лозим. Бундай ҳаракатлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: фақатгина ўз айбига иқроп бўлиш асосида ҳукм чиқаришга барҳам бериш; диний, сиёсий ёки давлат хавфсизлигига қарши жиноятларда айбланиб қамалган шахсларнинг ишларини қайта кўриб чиқиш механизмини ташкил этиш; шу моддаларда айбланиб, ҳозирда қамоқда бўлган шахслар ҳақида батафсил маълумотларни омма эътиборига хавола қилиш; фақатгина диний қарашлари ёки фаолияти сабабли қамалган маҳбусларни озод қилиш. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон ҳукуматининг 1998 йилда чиқарган виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиш ва уни халқаро стандартларга мос келишини таъминлашга, шунингдек, 2005 йил май ойидаги Андигон воқеалари юзасидан мустақил халқаро тергов ўтказилишига рухсат беришга ундаши лозим. АҚШнинг Ўзбекистонга нисбатан сиёсати юзасидан қўшимча тавсиялар ушбу бўлим охирида келтирилган.

Диний Эркинлик Шартлари

Хуқуқий Асос

Ўзбекистонда 1998 йилда қабул қилинган Виждон Эркинлиги ва Диний Ташкилотлар тўғрисидаги қонун диний эркинликдан фойдаланишни кескин чегаралайди. Етарли асосларсиз амалга киритилувчи қарорлар орқали диний гуруҳларни, айниқса кичик гуруҳларни рўйхатдан ўтказиш йўлига қонун томонидан катта тўғаноқлар қўйилади. Ушбу қонун рўйхатдан ўтмаган диний фаолиятни жиноят деб белгилайди; вояга етмаганларни диний ташкилотларда иштирок этишини, диний томоийилларни мустақил равишда ўқитишни, имомлардан бошқа кишиларни жамоат жойларида диний кийим кийиб юришини таъқиқлайди. Бироқ, “диний кийим” иборасига қонунда таъриф берилмаган. Натижада, баъзи мусулмон кишилар соқол қўйиш ёки миллий кийим кийишдан кўрқади, рўмол ўраган аёллар расмий кийинчиликларга учрайди. Лекин 2008 йилдан буён мамлакатда бундай кийинчиликлар камайиши кузатилган. Шунингдек, диний таълим бериш ҳам давлат томонидан чегаралаб қўйилган, фақатгина расмий рухсатномаси бўлган диний мактабларда ва рухсатномага эга бўлган муаллимлар томонидан таълим амалга оширилиши мумкин ҳолос. Бу қонуннинг бузилиши ҳолатлари жарима билан жазоланади. Диний ходимларни ўқитиш борасидаги қонунда кўрсатилган талабларга фақатгина олтита ташкилот жавоб беради ҳолос, ҳамда еттита ташкилот диний адабиётларни импорт қилиш, нашр қилиш ёки тарқатиш ҳуқуқига эга ҳолос.

Ўзбекистон қонунига кўра, “ноқонуний” (давлат рўйхатидан ўтмаган) диний гуруҳ тузиш ёки қайд қилиш рад этилган, тарқатиб юбориш ҳақида кўрсатма берилган гуруҳ фаолиятини давом эттириш беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Рўйхатдан ўтмаган гуруҳ фаолиятида иштирок этган шахслар уч йилгача қамоқ билан жазоланади.

Ўзбекистон жиноий кодекси “ноқонуний”, яъни тегишли равишда рўйхатдан ўтмаган гуруҳлар ва “таъқиқланган”, яъни экстремист гуруҳларни бир-биридан ажратади. (*Экстремизм Қонуни* мавзусига қаранг). Таъқиқланган гуруҳлар фаолиятида қатнашган шахслар 20 йилгача қамоқ жазосига маҳкум қилинади. Бироқ, Ўзбекистондаги судлар кўпинча ноқонуний ва таъқиқланган гуруҳлар ўртасидаги фарқлашга эътибор бермай, рўйхатдан ўтмаган мусулмонларни иккала боб асосида айблайди.

2005 ва 2006 йилларда мамлакатнинг жиноий ва маъмурий кодекслари қайта кўриб чиқилди, ҳамда диний учрашувлар, йиғинлар, диний таълим ва бошқа диний маросимлар ўтказиш борасидаги қонунбузарликларга янада қаттиқроқ – энг кам иш ҳақининг 200 дан 300 баробаригача жарима белгиланди. Диний адабиётлар ҳақидаги қондаларни қайтадан бузганлик ҳолатлари энг кам иш ҳақининг 100 дан 200 баробаригача ёки уч йилгача мажбурий меҳнат билан жазоланади. Рўйхатдан ўтмаган диний гуруҳларнинг ибодат учун тўпланишлари ва бошқа барча фаолиятлари ноқонуний ҳисобланади. Бундай диний гуруҳларнинг тўпланишларига қарши катта жарима қўлланилади ёки милиция рейдлари ўтказилади, шунингдек, уларга нисбатан жисмоний куч ишлатилади, аъзолар қамоққа олинади. Қонуний рўйхатдан ўтмаган гуруҳлар банкда ҳисоб рақами очолмайди, бино қуриш ёки ижарага олиш ҳуқуқи бўлмайди, диний адабиёт нашр этилмайди ҳамда диний

етакчи тайинлай олмайди. Кўплаб диний гуруҳлар ўрнатилган талабларга жавоб бера олмайди. Талаблар куйидагиларни ўз ичига олади: Ўзбекистон фуқароси бўлган энг камида 100 нафар аъзоси бўлиши, энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдордаги маблағни рўйхатдан ўтиш учун тўлаши, гуруҳ қоидаларини баён қилувчи бир қатор ҳужжатлар, мажлис баённомаси, турли сертификатлар, ҳамда тасдиқланган юридик манзил ҳақида ҳужжатлар топшириши. Буни устига, давлат органлари томонидан рўйхатдан ўтиш давомида турли қийинчиликлар юзага келтирилади, барча талабларга жавоб берувчи аризалар ҳам рад этилади. Ҳужжатлар қалбаки, ёки гуруҳ низомида грамматик хатолар кўплиги, ёнғинга қарши кураш, санитария ва бошқа идоралардан олинган сертификатларнинг тўғри келмаслиги баҳонаси билан кўп аризалар рад этилади.

1998 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакатда мавжуд бўлган 5000 масжиднинг 3000 таси ёпиб қўйилган. Шундан буён янги масжидлар ҳам рўйхатдан ўтишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Дин кенг тарқалган Фарғона водийсидаги бир нечта масжидлар қонунда талаб қилинган миқдорда аъзоларга эга бўлсада, рўйхатдан ўтказилмаган. Бироқ баъзи жойларда бир қатор норасмий масжидлар расмий имомлар назорати остида тинч фаолият олиб боради. Давлат органлари Фарғона водийсининг Кўкон шаҳридаги Сўфий ибодатгоҳни фаолият юритишига ҳам рухсат берган. Ўзбекистон ҳукумати баъзида Сўфийликни тарғиб қилади, айниқса маҳаллий Нақшбандий оқимини ташқаридан келувчи, давлат томонидан экстремист деб ҳисобланувчи Исломий тушунчаларга нисбатан афзал билади.

Кўплаб но-мусулмон диний гуруҳлар ҳам давлат рўйхатидан ўтишда қийинчиликларга дуч келади. Масалан, 1999 йилдан буён барча баптист черковларнинг рўйхатдан ўтиш ҳақидаги аризалари рад қилинган. Аризаси бир неча бор рад қилинган черковлар жумласига Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Бетани Баптист черкови, Чирчиқдаги Пентекостал черкови, Нукусдаги Эммануел ва Мир (Тинчлик) черковлари, Гулистондаги Хушхабар черкови, Андижондаги Пентекостал черкови, Ғазалкентдаги Баптист черкови ҳамда Самарқанддаги Адвентист, Муборак Грейс Христиан ва Мирал Протестант черковлари киради. Баптист Черковлари Кенгаши каби баъзи гуруҳлар принципиал равишда рўйхатдан ўтишга уринишдан воз кечган.

2007 йилнинг ноябр ойида Тошкент шаҳар фуқаролик суди Тошкентдаги Грейс Пресбитериан черковининг мулкдорлик ҳуқуқини бекор қилиш ва рўйхатдан ўтиш учун зарур бўлган юридик манзилдан маҳрум қилиш орқали рўйхатдан ўтганликни бекор қилган. 1996 йилдан буён Жехова Шоҳидлари Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтиш учун 23 марта ариза берган, ҳамда вилоятларда 13 марта ариза берган. Мамлакатда фақатгина битта, Чирчиқ шаҳридаги Жехова Шоҳидлари жамияти рўйхатга олинган, лекин Ўзбекистон ҳукумати унинг фаолиятини тўхтатиш ҳаракатини олиб бормоқда.

Экстремизм Қонунларини Қўллаш

Ўтган 10 йил давомида, айниқса 1999 йилдан буён, Ўзбекистон ҳукумати томонидан давлатнинг дин устидан назоратига бўйсунмаган ҳамда давлат томонидан таъқиқланган Ҳизб-ут-Таҳрир (ХТ) каби диний ташкилотларга алоқадорликда айбланган минглаб мусулмонлар 20 йилгача бўлган муддатларга қамалган. Хабарларга кўра, ҳозирда

тахминан 5,000 нафар шундай махбус бўлиб, рухий шифохоналарга жўнатилган махбуслар сони ҳам шу рақам ичига киритилган. Ҳалқаро ва Ўзбекистонлик инсон ҳуқуқи ҳимоячилари маълумот беришича, юқоридаги махбусларнинг ягона “жинояти” кундалик намоз ўқигани ва Исломиё таълим олганидир.

Ўзбекистон ҳукумати экстремист деб белгилаган Исломиё ташкилотлар фаолияти ман қилинади ва уларга аъзолик жиноят сифатида кўрилади, жумладан ХТ, *Акромиё*, *Таблиц Жамоат*, *Нур* ва бошқа гуруҳлар давлат томонидан “Ваҳобий” деб тамғаланган. Ўзбекистон ҳукуматининг таъкидлашича, экстремист гуруҳлар фаолиятига қарши сиёсат олиб бориш диний эркинликни чегаралаш эмас, балки давлатга қарши қуролли кўзғолонни олдини олишидир. Ўзбекистон хафвсизлигига диний оқимларга мансуб гуруҳлар томонидан, жумладан ХТ аъзолари томонидан маълум хатарлар мавжуд. Лекин бу хатарлар Ўзбекистон ҳукуматининг диндорларга нисбатан адолатсиз ёндашувининг миқёсини ва кескинлигини оқлай олмайди.

Москвада жойлашган Мемориал инсон ҳуқуқлари гуруҳининг 2009 йил апрель ойидаги ҳисоботида айтилишича, 2004-2008 йиллар орасида Ўзбекистон давлат органлари томонидан 1452 нафар шахс сиёсий айбловлар билан тергов қилинган. Уларнинг қарийб 95 фоизи диний экстремизм, жумладан ХТ аъзолигида айбланган. Давлат Департаментининг хабар қилишича, 2009 йилда ХТ гуруҳига аъзоликда айбланиб, қамалганлар сони сўнги икки йил давомида камайиб келган. Ўзбекистон қамоқхоналаридаги 5000 нафар сиёсий махбуснинг 4500 нафари ХТ аъзолигида айбланган махбусларни ташкил қилади. Кўплаб ҳолатларда шахснинг қўпоровчилик фаолияти балн шуғулангани ҳақида далил йўқ, ҳамда уларнинг қўпчилиги сохта равишда аъзоликда айбланган. Баъзи махбуслар қуруқ айблов, ёки атайлаб жойлаштирилган ХТ адабиётлари асосида қамалган. Бундан ташқари, Давлат Департаментига кўра “давлат органлари ҳақиқий (ХТ) аъзолар ва уларга маълум маънода алоқадор бўлган, улар билан Қуръон дарсларига қатнашган одамлар ўртасини фарқламаган”. Махаллий инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг хабар беришича, милиция ва хафвсизлик ходимлари, ХТ гуруҳларини парчалаб ташлаш мақсадида, аъзоликда шубҳа қилинган шахсларнинг яқинларини ва оила аъзоларини ҳам қамоқда ушлаб турган.

Ҳизб-ут-Таҳрир қўпоровчилик ҳаракатларига қўшилмасликни ўз олдига мақсад қилиб қўйсада, Давлат Департаментининг маълум қилишича, гуруҳ адабиётларида қуролли қаршилиқ кўрсатиш мумкинлиги ҳам таъкидланади. Кўплаб мусулмон давлатларида ман қилинган Ҳизб-ут-Таҳрир дунё миқёсида мавжуд ҳукуматлар ўрнига халифалик тизимини ўрнатишга ва Исломиё шариатни экстремистик талқинини жорий этишга чорлайди. ХТ адабиётларида яҳудийларга қарши ва ғарбга қарши фикрлар акс эттирилади. Ўзбекистон ҳукуматининг ХТ аъзоларига қарши сиёсати гуруҳнинг сиёсий фаолиятига қаратилган. Лекин Ўзбекистон ҳукумати тегишли тергов қоидаларига амал қилмайди ва қийноқ усулларини қўллайди.

Ўзбекистон ҳукумати 1997 йилдан буён *Акромиё* (ёки *Ақромийлар*) аъзоларини босим остига олган ва таъқиб қилган. Ўзбекистон ҳукуматининг таъкидлашича *Акромиё* ХТнинг бир йўналиши, ҳамда Ўзбекистон Ислом Ҳаракати (ЎИХ) билан тил бириктириб, 2005 йилнинг май ойида Андижонда кўзғолон кўтариш орқали давлат тўнтаришига уринган.

Дин экспертларининг айтишича, *Акромия* норасмий, тинчликпарвар уюшма бўлиб, Ўзбекистонлик математика ўқитувчиси, ҳозирда маҳбус Акрам Йўлдошевнинг тадбиркорликда Исломиё тамойилларни қўллаш ҳақидаги ижодига асосланган. Андижон вилоятида 23 тадбиркор устидан олиб борилган суд айбловлари орасида Акромия гуруҳига аъзолик айблови ҳам бўлган. (куйида Андижон воқеалари ва оқибатлари мавзусига қаранг.)

Яна бир таъқиқланган гуруҳ, *Таблиц Жамоат*, исломиё даъватчи гуруҳ бўлиб, Жанубий Осиёдан келиб чиққан. Унинг аъзолари Пайғамбар Муҳаммад давридаги каби кийинади ва ибодат қилади, ҳамда Давлат Департаментининг маълум қилишича, фақатгина диний ва сиёсатдан узоқ гуруҳ сифатида ўзини танитади. 2004 йилда гуруҳ экстремист ташкилот деб эътироф этилгандан сўнг *Таблиц* аъзоларидан ўн киши қамокқа олинган.

Ўзбекистон давлат идоралари “Ваҳобий” деб таснифланган гуруҳлар ва шахсларни таъқиқ қилади. “Ваҳобий” ибораси одатда Сунний Исломиё қатъий равишда талқин қилувчи Саудия Арабистонлик кишиларга нисбатан ишлатилади. Ўзбекистонда эса, бу расмий тусда ишлатилувчи термин мусулмон шахслар ва гуруҳлар, жумладан экстремистлар, Каримов режимига сиёсий жиҳатдан қарши бўлганлар ва Исломиё давлат кўрсатмасига бўйсунмаган ҳолда амал қилувчи, 1990 йилларда кенг танилган уч имом изидан борган кишиларга нисбатан қўлланилади. Бу имомларнинг икки нафари Ўзбекистон қамокхоналарида йўқ қилинган. Учинчи имом, Обидхон Қори Назаров, расмий равишда “Ваҳобий” тамғаси босилгандан сўнг Ўзбекистондан қочишга мажбур бўлган ва Швециядан сиёсий бошпана олган. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг айтишича, Назаров экстремизм тарғиботи билан шуғулланмаган, балки мустақил Исломиё динига амал қилишга чақирган.

1999 йилдан бошлаб, айниқса 2008 йилдан сўнг, Ўзбекистон ҳукумати бир қатор шахсларни *Нур* гуруҳининг аъзолигида айблаб ҳибсга олган: Курд муллеси бўлмиш Саид Нурси Биринчи Жаҳон Урушидан сўн Туркияда фаол ҳаракат қилган. Кўпчилик кузатувчилар фикрича, Нурсийнинг издошлари расмий ҳаракат мақомига эга эмас, балки норасмий шахслар гуруҳи бўлиб, биргаликда унинг китобларини ўқишади. Нурсийнинг китоблари 1990 йилларда Ўзбекистон ва бошқа собиқ совет мамлакатларида кенг тарқалган. Нурсий издошларининг қўпоровчилик фаолияти билан шуғуллангани ёки унга тарғиб қилгани маълум бўлмасда, Ўзбекистон Диний Масалалар Қўмитаси (ДМК) 2000 йилда *Нур* гуруҳини экстремист гуруҳлар сафига қўшган. 2009 йилнинг бошларида Ўзбекистон давлат телеканалда намойиш қилинган хужжатли филмда *Нур* гуруҳи экстремист йўналишдаги, Туркия сиёсатида ҳамоҳанг давлат тузиш ниятида бўлган ва “бизнинг асрларга тенг кадриятларимизни таҳқирловчи” ҳаракат сифатида таърифланган.

2009 ва 2010 йилларда Ўзбекистон давлат органлари томонидан ўнлаб кишилар *Нур* аъзолигида айбланиб қамокқа олинган. 2009 йилнинг февраль ойида Нурсий издошларининг икки гуруҳи устидан суд ўтказилган. Улар орасида беш нафар журналист, Баҳром Ибрагимов, Даврон Қобилов, Равшанбек Вафоев, ҳамда АҚШ да таҳсил олган Абдулазиз Дадахонов ва Ботирбек Эшқўзиевлар бўлган. Улар Нурсий қарашларига алоқадор бўлган *Ирмоқ* журналининг нашр қилганлиги учун саккиз йилдан 12 йилгача қамок жазосига ҳукм қилинган. Хабар қилинишича, айбланувчилар уларга нисбатан тергов жараёнида кийноқ усуллари қўлланилгани ҳақида судда баёнот берган. 2009

йилнинг апрель ойида *Етти Иқлим* газетаси билан алоқадор уч нафар шахс, журналист Даврон Тожиев, тарқатувчи Шавкат Исмоилов ва имом Мадали Шахобиддиновлар *Нур* аъзолигида айбланиб, саккиз йилдан 12 йилгача қамоқ жазосига маҳкум қилинган. Нурсий издошлари устидан олиб борилган иккита катта суд жараёни 2009 йилнинг июль ойида якунига етган, ҳамда Самарқандда 21 нафар айбланувчилар етти йилдан 11 йилгача қамоқ жазосига маҳкум қилинган, улардан: Хасан Каримов, Бахтиёр Фаттаев, Нусратилла Ибадиллаев ва Баходир Хамраевлар 11 йилдан; Солижон Ширматов, Баходир Мухамадиев ва Шухрат Ходиевлар тўққиз йилдан; Жамшид Облоқулов ва Аббос Тоировлар саккиз йилдан; Рахматилла Ибодуллаев ва Фозил Икромовлар етти йилдан муддатга қамалган. Худди шу даврда Хоразмда олиб борилган суд жараёни натижасига кўра ўн киши беш йилдан 11 йилгача қамоқ жазосига маҳкум қилинган. Хабарларга кўра, 2009 йил давомида жами 47 шахс Нурсий издоши ва экстремист айбловлари билан айбланиб, жами 380 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Маҳаллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари, Веритас Ёшлар Ҳуқуқларини Ҳимоя Қилиш Гуруҳи ва Хоразмда жойлашган Нажот Инсон Ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш гуруҳи хабар қилишича, бу шахслар давлат томонидан ўрнатилган чегералар ташқарисида Ислом динига амал қилган.

2010 йилнинг январь ойида Ўзбекистоннинг марказий Бухоро шаҳрида 40 нафар шахс Нурсий адабиётини ўқиганликда айбланиб қамоққа олинган. Маҳаллий манбааларнинг хабар қилишича, бу шахслар Нурсий издошлари эмас, балки шу айбловлар билан аввалроқ қамоқ жазосига маҳкум қилинганларнинг қўшнилари ва дўстлари бўлган. 2010 йилнинг февраль ойи бошларида Фарғона вилоятида Нурсий издошлигида айбланиб, беш киши қамоққа олинган. Бундан ташқари, Ўзбекистон армиясида хизмат қилувчи 25 нафар шахс Нурсий адабиётини ўқиганликда айбланиб, Тошкент шаҳрида қамоққа олинган. Уларнинг 12 нафарини харбий трибуналга чақирилиши кутилмоқда.

Андижон Воқеалари ва Оқибатлари

2005 йилнинг май ойида, Андижон шаҳрининг марказий майдонида исломий экстремизмга алоқадорликда айбланган 23 маҳаллий бизнесмен суди устидан норозилик билдириш учун йиғилган бир неча минг қуролланмаган фуқаро Ўзбекистон қуролли кучлари томонидан огоҳлантиришсиз ўққа тутилган. Ҳалок бўлганларнинг тахминий сони давлат расмий маълумотига кўра 187 та, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕХХТ) кўра эса 700 дан ошиқ; баъзи нодавлат ташкилотлари (НДТ) хабарларига кўра, 1000 дан ошиқ эркак, аёл ва болалар ҳалок бўлган. Европа Иттифоқи (ЕИ), ЕХХТ ва БМТ Инсон Ҳуқуқлари Юқори Комиссари томонидан мустақил ҳалқаро текширув ишларини амалга ошириш ҳақидаги чақирувларни Ўзбекистон ҳукумати рад этишда давом этмоқда.

Андижон воқеаларидан сўнг, Ўзбекистон ҳуқуқ тартибот органлари томонидан юзлаб маҳаллий фуқаро, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва журналистлар бўлиб ўтган воқеаларга алоқадорликда айбланиб, қамоққа олинган. Ўзбекистон ҳукумати Андижон воқеалари ҳақида хабардор ёки уларга алоқадор бўлган шахсларни ҳалигача кидириш ва таъқиб қилиш ишларини давом эттирмоқда. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг қариндошлари ҳам кўрқитилган, ишидан хайдалган, калтакланган, баъзида қамоққа олинган, тергов қилиниб, сохта айбловлар билан озодликдан маҳрум қилинган.

Ўзбекистон ҳукумати маҳаллий ва чет эл НДТларига қарши, айниқса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида иш олиб борувчи ташкилотларга қарши кураш бошлаган, ҳамда уларнинг деярли тўртдан уч қисмини ёпган.

Ўзбекистон ҳукумати Андижон воқеалари пайтида ўз юртини тарк этган, БМТ нинг Қочоқлар бўйича Юқори Комиссарияти ҳимоясида бўлган қочоқларни мажбурий равишда қайтариш учун бошқа мамлакатларга босим ўтказган. 2007 йилда БМТнинг Қийноққа қарши Қўмитаси маълум қилишича, ўз юртини тарк этган ва кейинчалик Ўзбекистонга қайтарилган одамларга нисбатан қийноқ усуллари қўлланган.

Қамоқдаги Шароитлар

Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари берган маълумотларга кўра, қамоқдагиларнинг кўпчилиги сохта наркотик айбловлари ёки таъқиқланган адабиётларни сақлаганликда айбланган. Қамоққа олингандан сўнг уларга кўпинча адвокат кўмагидан фойдаланишга рухсат берилмайди ёки ҳафталаб ва ойлаб изоляторда сақланади. Диний айбловлар билан қамалганларнинг кўпчилиги алоҳида қаттиқ қийноқларга солинади; маҳбусликда намоз ўқиган ва диний амалларни бажарган кишилар янада қаттиқ азобга солинади, калтакланади ва ўз диний ва сиёсий қарашларидан воз кечишга ундалади. Масалан, 2009 йилнинг февраль ойида Нурсий гуруҳига аъзоликда айбланиб, Самарқанд вилоят Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) томонидан қамоққа олинган ўн бир нафар киши шаҳар тергов бўлими изоляция камераларида ушлаб турилган ва узок вақт давомида қийноққа солинган.

2009 йилнинг май ойида 2000 йилдан буён меҳнат колонияси маҳбуси Нигмат Зуфаров ибодат қилиш ҳуқуқини талаб қилиб очлик эълон қилган. Маълумотларга қараганда, олти кундай сўнг қамоқхона ходимлари уни мажбуран овқатлантириб, мурч солинган сув билан мажбуран клизма қилишган, ҳамда у очликни тўхтатгандан сўнг калтаклашда давом этишган. 2009 йилнинг июль ойида у ўлик ҳолда топилган. Қамоқхона расмий маълумотига кўра у ўз жонига қасд қилган, лекин оила аъзоларининг таъкидлашича, унинг танасида қийноқ белгилари бўлган. Худди шу колонияда 2000 йилдан буён қамоқ муддатини ўтаётган унинг акаси Собит ибодат қилганлиги сабабли олти ойгача изоляторда сақланган. 2009 йилнинг сентябрь ойида БМТ нинг суд жараёнисиз қатл қилишлар, қийноқ ва диний эркинлик масалалари бўйича уч нафар маҳбус вакили юқоридаги ҳолат юзасидан Ўзбекистон ҳукуматига ёзма мурожаат қилган; Ўзбекистон ҳукумати бу маълумотни асоссиз деб рад этган.

Юқорида тасвирланган ҳолатларда айбловлар деярли тўлалигича ўз айбига иқроор бўлиш асосида қўйилган, бу эса, Давлат Департаменти хабарига кўра, кўп ҳолатларда қийноқ орқали қўлга киритилади. Ҳукуматнинг ваъдаларига қарамасдан, қийноқ усуллари қамоқларда, тергов муассасаларида, маҳаллий милиция ва маҳбус хизмат ертўлаларида кенг қўлланилмоқда, жумладан, жисмоний қўрқитиш ёки калтаклаш, зўрлаш ва бўғиш учун противогазлардан фойдаланилади. Қийноқ қатталар ва болаларни ўз қарашларидан қайтариш, ўзи ёки атрофидагиларни айбловчи кўрсатмалар беришга мажбурлаш мақсадида қўлланилади. 2008 йилда БМТнинг Қийноққа қарши Қўмитаси қийноқ усуллари бир қатор ҳолатларда давомий равишда, кўп ҳолатларда эса, расмий айблов

эълон қилгунга қадар қўлланилишини тасдиқлаган. Ўзбекистон ҳукумати тергов жараёнида қийноқ усуллари қўлланилишига барҳам бериш борасида баъзи тадбирларни амалга оширган, лекин бир қатор ҳисоботлардан аниқланишича, қийноқ давомий ва систематик ҳолда қўлланилишда давом этмоқда, ҳамда қийноқ усуллари қўллаган шахслар кўпинча жазоланмайди. Қўмита шунингдек Жасликдаги “махсус режимли” қамоқхонани ёпишга чақирган. Машхур шоир Юсуф Жумаев ҳозирда шу қамоқхонада 12 йиллик қамоқ жазосини ўтамоқда.

Айниқса, 2005 йилдаги Андижон воқеаларидан сўнг ҳукуматнинг қийноқ қўлланилишига қарши кураши ва қамоқхоналардаги шароитларни яхшилаш борасидаги амалга ошираётган ишларини бетараф ҳолда ўрганиш янада қийинлашган. Яна бир эътиборга молик жиҳат шундаки, махбуслар, айниқса диний экстремизм айбловлари билан камалган шахслар белгиланган жазо муддати тугаши билан озодликка чиқарилмайди. Бунинг ўрнига, қамоқхона раҳбарияти махбусларнинг жазо муддатини – юридик ҳулосасиз – янги жинойтларда айбланиш орқали, уларнинг жамиятга хавф эканлигини таъкидлаб, узайтиришади.

Ўзбекистон ҳукумат идоралари бутун бошли оилаларга нисбатан ҳам диний экстремизм айбловларини қўйиб, репрессив ҳаракатларни амалга оширган. 2004 йил АҚШХДЭҚ билан учрашган Марғилонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Аҳмаджон Мадмаров бунга бир мисол бўла олади. 2007 йилнинг сентябр ойида Аҳмаджоннинг экстермистик кўпуровчилик ҳаракатларида айбланиб, қамоқ жазосини ўтаётган ўғли Ҳабибуллога нисбатан қамоқ муддати 16 ярим йилга узайтирилган. Мадмаровнинг ўғилларидан бири етти йиллик қамоқ муддатини ўтаб бўлгандан сўнг озодликка чиқарилган бўлсада, бошқа ўғли ва икки жияни ҳалигача қамоқда; Давлат Департаментининг 2008 йилдаги ҳисоботида кўра, уларнинг барчасига нисбатан диний экстремизм айбловлари қўйилган.

Мусулмонларга қарши Чекловлар

Давлат конституциясида дин ва давлат бир-биридан айриқ деб эътироф этилганига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати Исломи ташкилотлар ва диний фаолиятларни расмий ваколатли Мусулмонлар Диний Кенгаши, *Муфтийлик* томонидан қаттиқ назорат қилиб боради. Давлат *Муфтийлик* идораси орқали имомларнинг ўқитилиши, тайинлиши ва ишдан олинишини тўлиқ назорат қилади. *Муфтийлик* 2007 йилдан буён Наманган вилоятидаги имомларнинг Рамазон ойида тунда қилинадиган ибодатларни ўтказишини ман этган; бу ибодатларда болаларнинг қатнашиши ҳам таъқиқланган.

Мамлакатнинг энг фаол диний ҳудуди ҳисобланган Фарғона водийсида давлат бир қатор масжидларни мусодара қилиб, уларни омборхона ёки бошқа давлат мақсадларига айлантирган. Бир неча йиллар илгари давлат томонидан бу ҳудудда аҳолининг кундалик диний ҳаёт кечириши йўлига маъмурий ва бошқа тўсиқлар қўлланиши бошланган. Масалан, Андижон вилоятида вилоят ҳокими томонидан 2008 йилда масжидларда азон айтилиши ва тўйларда диний маърузалар қилиниши таъқиқланган. Бундан ташқари, ҳудудий расмийларга болаларнинг масжидга боришини умуман таъқиқлаш тўғрисида давлат томонидан кўрсатма берилган. Бироқ, Ўзбекистон ҳукуматининг ёшларнинг

Исломга бўлган қизиқишини чеклаш борасидаги бундай мислсиз уринишларига қарамасдан, мамлакатда рўйхатдан ўтган масжидлар кўпинча одамларга тўла.

2009 йилнинг январь ойида Қарши шаҳрида Ўзбекистон давлат органлари болалар ва уларнинг ота-оналарини ибодатларга қатнашганлиги учун огоҳлантирган; бир неча ўқитувчиларнинг таъкидлашича, ўзбек “болаларнинг масжидга бориши таъқиқланган”. Хабар қилинишича, Наманган вилояти *Хоқим* ўринбосари “мактаб ёшидаги болалар диний маросимларга умуман қатнашмаслиги лозим” деб айтган. Бухоро вилоятида эса, бир имом аёллар Жума намозига келиши мумкин эмас ва бу таъқиқ “Ханафи мазхабига тўғри келади” деб таъкидлаган.

Қарши шаҳрида 2009 йилнинг ноябр ойида 30 нафар аёл қамокқа олинган. Улар орасида Қарши шаҳрининг расмий рўйхатдан ўтган Кўк Гумбаз масжидида аёлларга дарс берувчи 40 ёшли Мехринисо Ҳамдамова ҳам бўлган. Ҳамдамова ёшларга мустақил диний таълим беришда айбланган. Ҳамдамованинг бир-нечта аёл қариндошлари, жумладан унинг синглиси, қайни синглиси ва жиянлари ҳам номаълум айбловлар билан қамокқа олинган. Хабар қилинишича, бу аёлларнинг баъзилари қариндошига қарши гувоҳлик беришга мажбурланган, бош тортганлар зўрлаш билан кўрқитилган. Ҳамдамовага алоқадор бўлган бошқа ҳолатда, унинг қайноғаси 2010 йилнинг январь ойида жануби-ғарбий Қашқадарё вилоятида қамокқа олинган.

2010 йилнинг январь ойида исломий газета ва радио журналисти Хайрулла Ҳамидов Тошкентда ноқонуний диний фаолият юритиш айблови билан қамокқа олинган. Хабарларга кўра унинг айби аёлларнинг *хижоб* кийиб юриши ҳақида ижобий фикр билдиргани ва дин вакиллари радио-мулоқотларга таклиф қилгани бўлган. Ҳамидов, шунингдек, 2007 йилда оммабоп исломий журнал чиқарган. Бу журнал 6 ойдан сўнг таъқиқлаб қўйилган.

Но-мусулмонларга Қарши Чекловлар

Давлат рухсати берилган чегаралардан ташқарида ўз динига амал қилувчи протестантлар ва Жехова шохидларига кўп ҳолатларда “экстремист” тамғаси босилади ва улар доимий кўрқитувда яшайди, махфий ибодат учрашувлари ўтказиш ёки “ноқонуний” диний адабиёт сақлаганликда айбланиб, “ноқонуний диний фаолият” айби билан қамокқа олинади. 2007 йили Пентекостал роҳиби, Андижонлик Дмитри Шестаков тўрт йил қамок жазосига ҳукм қилинган. Хабарларга кўра, Шестаков баъзи этник ўзбекларни христианлик динига ўтказишга алоқадор деб топилган, лекин унга қарши қўлланилган расмий айблов ноқонуний диний гуруҳ тузиш, диний нафрат ҳиссиётларини тарғиб қилиш ва диний экстремистик адабиётларни тарқатиш даъволарини ўз ичига олган. Уч нафар Женова Шохидлари, Абдуманноб Аҳмедов, Сергей Иванов ва Олим Тураевлар расмий рухсатномасиз диний таълим бериш, диний йиғинлар ва тадбирлар ўтказишда айбланиб, икки йилдан тўрт йилгача бўлган қамок жазосини ўташмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати рўйхатга олинмаган кичик диний жамиятларга қарши курашни давом эттирмоқда. Ўзбекистонда 2009 йилда камида 21 киши рўйхатдан ўтмаган диний фаолият учун қамокқа олинган. Ўзбекистон милицияси 2009 йил март ойининг бошида,

шахсий уйда бир гуруҳ Баптистларнинг ибодат йиғинига қарши рейд ўтказиш учун Россиялик протестант роҳибни таклиф қилган. Хабар қилинишича, роҳиб баптистларга рўйхатдан ўтмаган ибодат маросимларида қатнашмасликка чақирган. Шу каби яна бир ҳолатда Сурхондарё вилоятида яшовчи роҳиб рўйхатга олинмаган ибодат маросимини ўтказгани учун энг кам иш ҳақининг 83 баробари миқдорида жаримага тортилган.

Бундан ташқари 2009 йил давомида рўйхатга олинган кичик диний жамиятларга қарши турли расмий чоралар кўрилган. Март ойида 20 та давлат вакиллари Тошкентда рўйхатдан ўтган этник корейс Баптист черковида ибодат пайтида рейд ўтказган, бунинг сабаби сифатида ўтказилаётган ибодат маросими учун 10 кун аввалдан рухсат олинмаганлиги кўрсатилган; кейинчалик черковнинг роҳиби 10 кунга қамалган. Жамоат жойида диний фикр билдириш тўғрисидаги қонунни бузганлик ҳақида расмий огоҳлантириш олгандан сўнг Тошкент шаҳридаги Пресбитериан черкови 2008 йилнинг март ойида одатий ибодатларни тўхтатган. 2008 йилнинг феврал ойида Фарғона шаҳрида баптист киши ўз уйида ибодат йиғини ўтказгани сабабли ўртача ойлик иш ҳақини тўққиз баробари миқдорида жаримага тортилган, ҳамда Тошкент яқинидаги рўйхатдан ўтган Пентекостал черкови роҳиби диний таълим қоидаларини бузгани сабабли энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробаридан ортиқ миқдорда жаримага тортилган. Милиция томонидан Рождество маросими пайтида рейд ўтказиш натижасида Умид қишлоғидаги рўйхатдан ўтган Фул Госпел (Евангелия) Черковининг уч нафар етакчисига нисбатан маъмурий чоралар кўрилган. Июль ойида шарқий Ўзбекистондага ногиронлар уйида истиқомат қилувчи Гофур Юсуповнинг Баптист черковига бориши таъқиқлаб қўйилган; муассаса уни диний дўстлари билан кўришишга ҳам рухсат бермаган. Баптистлар Юсуповга бўлган муносабат юзасидан шикоят қилишганда, муассаса маъмурияти томонидан уларга махфий хизматга мурожат қилиш айтилган. Сентябрь ойида Тошкент шаҳрида икки нафар бахай шахслар 15 кундан қамалган; улардан бирининг хотини ва фарзандлари Ўзбекистонда яшашига қарамай мамлакатдан чиқариб юборилган. Улар миссионерликда айбланган бўлиб, милиция расмий рўйхатдан ўтган, ота-онаси рухсати бўлган ўсмир бахайлар йиғинини рейд қилган.

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари ўта кескин динга қарши тадбирлари билан эътиборни тортади, жумладан Харе Кришна ва эвангелик протестант талабаларни университетдан ҳайдаш ва давлат буйруғи билан деярли барча черковларни ёпиш ҳолатлари кузатилган.

Давлат назоратидаги оммавий ахборот воситалари баъзи кичик диний жамиятларга қарши фикрларни тарғиб қилади. Миссионерлар жамиятга хавfli ва экстремистларга тенг деб таништирилади. Бунинг устига, давлат ходимлари мамлакат бўлаб университет ва мактабларда “миссионерлар ва диний экстремизмнинг салбий оқибатлари” ҳақида учрашувлар ўтказган.

Диний Адабиётларни Чегералаш

Барча диний адабиётлар Диний Масалалар Қўмитаси (ДМҚ) томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Дин тўғрисидаги қонунга биноан, тасдиқланмаган диний матариалларни импорт қилиш, сақлаш, кўпайтириш ва тарқатиш таъқиқланади. Бу қонунни бузган шахсларга нисбатан маъмурий жазо энг кам иш ҳақининг 20 дан 100 баробаригача

жаримадан иборат, ташкилот раҳбарлари учун эса, энг кам иш ҳақининг 50 дан 100 баробаригача жаримадан иборат. Материаллар ва уларни нашр этишда қўлланиладиган ускуналар ҳам мусодара қилиниши ёки йўқ қилиниши мумкин. Муқаддам маъмурий жазога тортилган шахслар жиноят кодексига асосан суд қарори билан энг кам иш ҳақининг 100 дан 200 баробаригача жаримага тортилади ёки уч йилгача меҳнат колониясида жазо муддатини ўтайди. Ўзбекистон жиноят ва маъмурий кодексларига асосан “ирқий ва диний душманликка чорловчи адабиётларни” нашр қилиш ва тарқатиш ҳам жазоланади. Фақатгина еттита ташкилот (Инжил Жамияти, Ўзбекистон Муслмонлар Қўмитаси, иккита Исломий Марказ, Рус Протестант, Евангелия, Баптист ва Рим Католик идоралари) диний адабиётларни нашр қилиш, четдан олиб кириш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, хабар қилинишича, 2006 йилда чиқарилган маҳфий кўрсатмага асосан ҳар қандай диний китобнинг тиражи 1,000 та нусхадан ошмаслиги лозим.

Диний адабиётларни нашр қилиш учун ДМҚ ва *Муфтийликдан* рухсатнома олиш ўта мушкуллигича қолмоқда, шунингдек, хабарларга кўра, ДМҚ раиси муслмонлар учун четдан диний адабиёт олиб кирилиши тўхтатилганини айтган. Тошкент шаҳридаги Тўхтабой масжидининг собиқ имоми Обидхон Назаровнинг маълум қилишича, Ўзбекистонда хатто машхур ўтган Ислом уламолари китобларини нашр қилиш ҳам тўхтатилган. Давлат назоратидаги Муслмонлар қўмитаси томонидан нашр этилаётган китоб ва журналлардан ташқари Қўмита билан 2004 йилда учрашган мустақил собиқ Бош *Муфти* Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфга диний материаллар чиқариш ва радио-мулоқот олиб бориш учун расмий рухсат берилган.

Ўзбекистон давлат органлари четдан олиб кирилган диний адабиётларни мусодара қилишни давом эттирмоқда, жумладан Жехова Шоҳидларига тегишли, икки йил давомида давлат идоралари томонидан ушлаб турилган адабиётлар ҳам мусодара қилинган. ДМҚ рус тилидаги Жехова Шоҳидлари адабиётларини мамлакатга олиб кириш учун фақатгина иккита рўйхатга олинган ташкилотга рухсат берган, ҳамда бошқа ташкилотларга импорт қилишни таъқиқлайди. Муслмонлар, Протестантлар, Харе Кришна издошлари, Жехова Шоҳидларидан олиб мусодара қилинган диний адабиётлар кўпинча ёкиб юборилади, баъзида хатто қонуний йўл билан олиб келинган адабиётлар ҳам милиция томонидан мусодара қилинади. Бир протестант шахсининг хабар қилишича, почта орқали юборилган диний китоблар ҳеч қачон эгаларига етиб келмайди. Бундай материалларни олмоқчи бўлган кишиларнинг кўпчилиги ўзини расмий равишда христиан деб билдиришга кўркади.

2009 йилнинг май ойида диний масалалар бўйича Қорақалпоқ худуди вакили Инжил, гимн китоби ва Инжил изоҳлари китобларини ман қилган. Баптистлар ҳам диний китобларга эгалик қилгани ва тарқатгани учун тергов қилинган. 2009 йилнинг июль ойида эса, милиция томонидан бир баптист уйига рейд уюштирилиб, турли китобларни, жумладан, рус тилидаги Қуръон ва Рус протестант ибодат китобини “диний эксперт ўрганиши” учун олиб кетилган. Баптистга қарши “диний материалларни ноқонуний нашр қилиш, сақлаш, четдан олиб кириш ва тарқатиш” айбловлари қўйилган. 2009 йил охирида 17 нафар протестант “ноқонуний” диний адабиётларни сақлагани учун жаримага тортилган. Суд раисидан нега ўзбек тилидаги “Янги Хушхабар” китобини йўқ қилиш ҳукми чиқарилди деб сўралганда, китобга ноқонуний равишда эгалик қилинган деб жавоб берган. 2010

йилнинг март ойида Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар рус тилидаги Lenta.ru вебсайтининг Самарқанд шаҳрида соқол қўйган шахснинг паспорт олишдаги қийинчиликлари ҳақидаги мақолани ўқишдан махрум қилинган. Бошқа бир қатор рус ва ўзбек тилларидаги ахборот вебсайтлари ҳам блокировка қилинган, жумладан, Uznews.net, Ferghana.ru, Portal-credo.ru, Religion.ng.ru and I-r-p.ru.

Диний Таълимга Қарши Чекловлар

Марказий маъмурий ташкилот ҳуқуқига эга бўлиш ва диний таълим билан шуғулланиш учун диний жамиятнинг саккизта ҳудудий бўлими бўлиши лозим. Бу талабга фақатгина олти рўйхатга олинган диний жамият жавоб бера олади холос. Шунингдек, Ўзбекистон қонунига биноан, диний таълим бериш давлат томонидан чегаралаб қўйилган, фақатгина давлат рухсати бўлган диний мактабларда ва давлат рухсатномасига эга бўлган муаллимлар томонидан таълим амалга оширилиши мумкин холос. Қонун хусусий индивидуал таълимни таъқиқлайди ва бу қонуннинг бузилиши ҳолатлари жарима билан жазоланади.

Ўзбекистонда давлат назорати остида ўрта таълим берувчи 10 та *мадраса* мавжуд (шундан иккитаси аёллар учун), шунингдек расмий Ислоҳ Институти ва Тошкент Ислоҳ Университети олий таълим даражасида билим беради. Расмий *Муфтийлик* катталар учун сунний таълимни ташкиллаштиради.

Мамлакатда маълум миқдорда шиялар истиқомат қилсада, шия диний етакчилари учун таълим ташкиллаштирилмаган, ҳамда давлат шиялар учун мамлакат ташқарисида таълим олишга ҳам рухсат бермайди, лекин хабарларга кўра, сунний *мадрасалар* шия мазхабидаги курсларни ҳам ўқитади. Хусусий маблағ билан юритилаётган диний мактаблар ҳам давлат томонидан ёпилиб ёки мусодара қилиб юборилган.

Ўзбекистонда кичик диний жамиятлар учун диний таълим имкониятлари ўта чегараланган. Рус протестант черкови қошида икки монастырь (бири эркаклар ва бири аёллар учун) ва бир семинария фаолият юритади. Яҳудий жамияти раввин ва яшивалар учун таълим муассасига эга эмас. Бунинг учун Ўзбекистоннинг саккиз вилоятида синагога бўлиши лозим, демак марказий идора очиш учун давлат талабига жавоб бермайди. Тошкентда жойлашган яҳудий мактаби яҳудий маданияти бўйича таълим беради. 2008 йилда Ўзбекистон ҳуқумати Ўзбекистон бош раввини визасини янгилашни рад этган, натижада раввин мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган.

Рўйхатга олинган Христиан гуруҳлари ва бошқа диний жамиятлар бир қатор давлат талабларига амал қилган холда яқшанба мактабларини ташкил қилиши мумкин, лекин рўйхатдан ўтган диний таълим муассасалари ҳам сиқувга олинган. 2009 йилнинг апрель ойида Баптист черковининг етакчиси болаларга диний таълим бергани учун 15 кунга қамаб қўйилган. 2009 йилнинг декабрь ойида рўйхатдан ўтган Баптист Уюшмаси директори солиқ тўламаганлиги ва рухсатномасиз болаларга диний таълим бергани туфайли 3 йилгача расмий фаолият юритишдан четлатилган. Пентакостал рохиблари ҳам болаларга диний таълим бериш тўғрисидаги қонунни бузганлик айблови билан катта миқдорда жаримага тортилган.

Диний Мақсадлардаги Хорижий Сафарларни Чеклаш

Ўзбекистон ҳукумати диний мақсадлардаги халқаро сафарларга тўсқинлик қилишда давом этмоқда. Ҳукумат, шунингдек, кичик диний жамиятлар вакиллари учун мамлакатдан чиқишга ҳам рухсат бермаган. Масалан, 2009 йилнинг март ойида бир неча Протестантларга диний фаолияти учун жазо сифатида мамлакатдан чиқишга рухсат берилмаган. Хабарларга кўра, мусулмонлар ва Женова шоҳидларига ҳам рухсат берилмаган. 2009 йилда НДТларининг бир нечта чет эллик ходимлари миссионерлик фаолиятини олиб боришда айбланиб, мамлакатдан чиқариб юборилган. Февраль ойида Ўзбекистон давлат органлари Янги Умид сектасига алоқадор гуманитар ёрдам НДТининг уч нафар АҚШлик ходимини мамлакатдан кетишга мажбур қилган. Бу ташкилот Тошкент шаҳрида ногирон одамларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланган.

Кўп йиллардан буён Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг расмий квотасида кўрсатилган 25,000 та хождан фақатгина 20 фоизига Макка *ҳаж* сафарига боришга рухсат беради. 2009 йилда фақатгина 5,000 кишига рухсат берилган. Сафарга борувчилар маҳаллий давлат органлари, хавфсизлик хизмати, ДМҚнинг *Ҳаж* Комиссияси ва *Муфтийлик* томонидан тасдиқланиши лозим. Бундан ташқари, *ҳаж* сафарига борувчилар давлат тасарруфидаги Ўзбекистон Ҳаво Йўллари орқали сафар қилишлари ва ойлик иш ҳақининг 200 баробарида тўлов тўлашлари лозим.

АҚШ Сиёсати

АҚШнинг Ўзбекистонга бўлган сиёсий қизиқиши асосан мамлакатнинг Афғонистондаги Халқаро Коалицион Кучларга таъминот йўли эканлигидадир. Афғонистондаги НАТО кучларини таъминлашда Покистон орқали ўтувчи хавфли йўлга нисбатан альтернатива сифатида “шимолий таъминот тизими” ишлаб чиқилди ва бу билан Ўзбекистоннинг аҳамияти янада ортган. 2009 йилнинг январь ойида АҚШ Шарқий Европа ва Болтиқ бўйи давлатлари томондан келувчи юкларни Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон худуди орқали олиб ўтиш ҳақида транзит шартнома тузган. Хабарларга кўра, амалдаги таъминот нуқтаси Ўзбекистондаги Навои аэропортида ташкил этилган ва Жанубий Кореянинг транспорт фирмасидан прокси сифатида фойдаланилади. Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ аскарларининг Афғонистонга ўтишда немис харбий базаси жойлашган Термиз шаҳридан фойдаланишга ҳам рухсат берган. Бу ҳолат натижасида инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ташкилотлари безовта бўлмоқда, ҳамда АҚШ ҳукумати таъминот тизимининг давомий ишлаб туришини таъминлаш йўлида ўзининг Ўзбекистон ҳукуматига нисбатан инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ салбий сиёсатини ўзгартириши ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш йўлидаги ҳаракатларни сусайтириши мумкин деган тушунча юзага келмоқда.

АҚШ Давлат Департаменти Ўзбекистонни систематик, яққол, давомий тарздаги диний эркинликни чекловчи сиёсати сабабли 2006 йилда МЭД сифатида эътироф этганди. МЭД статуси охириги мартга 2009 йили янгиланган эди. Ўша пайтда Давлат Департаменти

томонидан ХДЭА доирасида чоралар кўришдан аввал Ўзбекистон билан диний эркинликни яхшилаш борасида музокаралар олиб бориш учун 180 кун муддат берилган эди. Бу музокаралар 180 кунлик муддат нихоясига етсада, бирор сезиларли натижа билан якунланмади. АҚШДЭҚ Ўзбекистонни МЭД сифатида қайта эътироф этишни ва музокара учун муддат бермасликни тавсия этади. МЭД сифатида эътироф этилиш оқибати сифатида Давлат Департаменти санкцияларни қўллаши, жумладан, Ўзбекистонлик юқори мансабдор шахсларнинг АҚШга ташрифини ман қилиши лозим.

Давлат Департаменти томонидан 2009 йил чиқарилган *Эркинлик ва Декмократияни Ривожлантириш Ҳисоботида* АҚШнинг Ўзбекистондаги демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича сиёсатининг мақсади: “инсон ҳуқуқларига нисбатан хурматни шакллантириш (энг аввало тергов жараёнларидан қийноқ ва қамоқхоналарда махбусларга нисбатан ноўрин муносабатни тўхтатиш); юридик ислохотлар ва жавобгарлик; сиёсий плурализм ва кучли фуқаролик жамияти; матбуот ва дин эркинлиги; болалар, аёллар, ногиронлар ва қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоя вилиш”. Ҳисоботда яна айтилишича, “АҚШнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги демократия, инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлигини таъминлаш соҳаларида ҳам олиб борилади, чунки айнан шу омиллар мамлакат барқарорлиги ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади.”

Тавсиялар

I. Ўзбекистон Ҳукумати билан Алоқа Қилишда Яхлит Овозда Сўзлаш

Ўзбекистонни МЭД сифатида эътироф этиш билан бирга, АҚШ ҳукумати куйидагиларни амалга ошириши лозим:

- 2009 йил январь ойида берилган муддатни олиб ташлаш ва санкцияларни қўллаш, жумладан, Ўзбекистоннинг юқори мансабдор шахсларининг АҚШга келишини таъқиқлаш;
- Ўзбекистон ҳукуматининг 2005 йил май ойидаги Андижон воқеалари юзасидан мустақил тергов ўтказишга рози бўлмагани оқибати сифатида Ўзбекистонга кўмак бериш ва кўрол яроқ сотишни камайтириш, ҳамда Ўзбекистонлик юқори мансабли шахсларнинг ташрифини ман қилиш;
- АҚШнинг Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ шароитлар ҳақидаги безовталиги Ўзбекистон ҳукумати билан амалга ошириладиган барча муносабатларда ўз аксини топишини таъминлаш мақсадида АҚШнинг шартлари ва ҳаракатлари барча агентликлар аро мувофиқлаштирилишини таъминлаш;
- Ўзбекистон ҳукуматини дин ҳақидаги 1998 йилда чиқарилган қонунни қайта кўриб чиқиш, ҳамда ҳалқаро стандартларга мос келтиришга чақиритиш;
- АҚШ томонидан Ўзбекистон ҳукуматига гуманитар шароитларни ва инсон ҳуқуқлари ҳолатларини яхшилаш мақсадидаги ёрдамлардан ташқари бошқа ёрдамлар,

ҳукуматнинг дин ва иймон эркинлигини таъминлаш, ҳамда халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларга риоя қилиш даражасига эришиш йўлида махсус ишлаб чиқиладиган ва амалга киритиладиган график асосида аниқ қадамларни амалга ошириш шарти билан кўрсатилиши лозим. Бу қадамлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

--фақатгина ўз айбига иқроф бўлиш асосида ҳукм чиқаришга барҳам бериш, чунки бу ҳолат одатда махбусларга нотўғри муносабатда бўлишни келтириб чиқаради. Шунингдек, БМТнинг Қийноққа Қарши Қўмитасининг тавсиялари (2002 йил, июн) ва БМТнинг Қийноқ бўйича Махсус Котибининг тавсияларини (2003 йил, феврал) амалга тадбиқ қилиш;

--шу кунгача диний, сиёсий ёки давлат хавфсизлигига қарши жиноятларда, жумладан Жиноят Кодексининг 159 (“давлатга қарши фаолият” жинояти) ва 216 (“таъқиқланган диний ташкилотда” жиноий аъзолик) моддалари билан айбланиб қамалган шахсларнинг ишларини қайта кўриб чиқиш механизмини ташкил этиш; фақатгина диний қарашлари ёки фаолиятлари сабабидан қамалган, шунингдек, ноҳақ қамалган бошқа одамларни озод қилиш; шу моддаларда айбланиб, ёки айбига иқроф бўлиб, ҳозирда қамокда бўлган шахслар ҳақида батафсил маълумотларни омма эътиборига хавола қилиш;

-- Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 1998 йилги қонунни қайта кўриб чиқиш, ҳамда халқаро стандартларга мос келтириш йўлида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг ЕХХТ Дин ва Иймон Экспертлари Панели тавсияларини тадбиқ қилиш;

--юримдик талабларга мос фаолият олиб боришни истаган диний гуруҳларни рўйхатдан ўтказиш; ва

--халқаро инсон ҳуқуқлари инструментларида кўрсатилганидек, ҳар бир махбусни оиласи, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва адвокатлар билан учрашиши, тегишли тиббий ёрдам олишини таъминлаш, шунингдек махбусларнинг қамокдаги даврида диний ибодатларини тўлиқ бажаришига руҳсат бериш;

- АҚШнинг хавфсизлик ва бошқа йўналишлардаги кўмаги Ўзбекистон ҳукумат идораларига йўналтирилмаслигини таъминлаш; Ички ишлар ва Адлия вазирликларининг баъзи таркибий қисмлари 1998 йилда қабул қилинган Халқаро Диний Эркинлик Актида ХДЭА кўрсатилган диний эркинлик тамойилларини қўпол равишда бузилишига масъул бўлган; ҳамда
- тегишли дипломатик каналлар орқали Ўзбекистон халқига диний эркинлик нима сабабдан АҚШ ташқи сиёсатининг муҳим элементи эканлиги, ҳамда улар истиқомат қилаётган давлатда диний эркинликка қарши қандай вазият мавжуд эканлигини тушунтириш.

II. Ўзбекистондаги Инсон Ҳуқуқлари билан боғлиқ Вазият Кенг Халқаро Даражада Текширилишини Тарғиб Қилиш

АҚШ ҳукумати:

- бошқа давлатлар ҳукуматлари билан биргаликда ишлаб, БМТ Инсон Ҳуқуқлари Кенгашининг 1503 конфиденциал резолюцияси асосида Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари ҳолати текширувини тугатиш ҳақидаги қарорини бекор қилиши, ҳамда бу вазиятни Кенгашнинг очиқ мажлисида муҳокама қилиши;
- Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни ЕХХТ ва бошқа тегишли халқаро форумларда текширув остига олинишини, шунингдек, халқаро инсон ҳуқуқларига оид механизмларда Ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг иштирок этишини таъминлашни тарғиб қилиши; ва
- БМТнинг Диний Эркинлик ва Суд Мустақиллиги масалалари бўйича Махсус Котибининг Ўзбекистонга ташриф буюриши юзасидан ҳукумат томонидан розилик берилишига ва керакли барча шарт-шароитлар яратиб берилишига ундаши керак.

III. Ўзбекистондаги Инсон Ҳуқуқлари Ҳимоячиларини ва Диний Эркинлик Ташаббусларини Қўллаб-қувватлаш

АҚШ ҳукумати:

- диний ва сиёсий айбловлар билан қамоққа олинган шахслар ҳолатини синчковлик билан кузатиб бориши, ҳамда Ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари вазиятларини яхшилаш ишларини давом эттириши, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳларини ва диний ҳамжамиятларни рўйхатдан ўтказишни талаб қилиши;
- Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатга четдан маълумот кириши йўллари чегаралаш борасидаги ҳаракатларига нисбатан радио, Интернет ва бошқа каналлар орқали Ўзбекистонга тегишли, жумладан таълим, инсон ҳуқуқлари, диний эркинлик мавзуларида объектив янгилик ва хабарлар бериб борилишига кўмаклашиши;
- Америка Овозининг (АО) ўзбек тилидаги дастурларини молиялаштиришда давом этиш, телевидение ва радио орқали дастурларни тақдим қилиш Бошқарувчилари Кенгашининг Ўзбекистонда янгиликлардан беҳабар қолган аҳоли, шунингдек, Афғонистон ва бошқа қўшни давлатлардаги ўзбек миллатига мансуб аҳолини қамраб олиш йўлидаги мақсадига эришишда кўмаклашиши;
- Ўзбекистондаги диний эркинлик масалалари билан шуғулланувчи фуқаролик жамиятлари фаоллари, диний етакчилар ва бошқаларнинг тегишли халқаро конференцияларда қатнашиш имкониятига эга бўлишлари учун уларнинг халқаро сафарларга чиқиши имкониятларини кенгайтиришда кўмаклашиши керак;

- Ўзбекистон ҳукуматининг қаршиликларини енгиб ўтишга уринишни давом эттириб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва диний эркинликни тарғиб қилувчи жамоат ташкилотларини яратиш бўйича Ўзбекистон учун кўмак дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, милиция ва бошқа ҳуқуқ тартибот идораларига инсон ҳуқуқлари, қонун устиворлиги мавзуларида тренинглар ўтказувчи дастурларни тарғиб қилиш; бундай дастурларни ташкил қилиш борасидаги шу кунгача амалга оширилган ҳаракатлар етарли натижа бермагани сабабли, улар синчковлик билан ишлаб чиқилиши, кузатиб борилиши ва қуйидаги аниқ мақсадларга эришиш шартларидан келиб чиқиши лозим:
 - махбусларнинг Ўзбекистонлик қариндошларига юридик кўмак бериш дастурларини кенгайтириш, чунки бундай кўмак баъзи ҳолларда махбусларнинг озод қилинишига сабаб бўлган;
 - диний ҳамжамиятлар вакилларинининг рўйхатдан ўтиш жараёнларида юридик маслаҳатчи сифатида кўмак бера олишлари учун уларга “тренер учун тренинг” юридик дастурларини кенгайтириш;
 - АҚШ Ҳалқаро Тараққиёт Агентлигининг Демократия ва Конфликтлар дастури ҳамда АҚШ элчихонаси томонидан амалга оширилувчи Демократия Кўмитаси Кичик Грантлари дастурлари доирасида диний эркинлик мавзусини грант категорияси этиб тайинлаш; ва
 - Республика ва маҳаллий миқёсларда Ўзбекистон ҳукумати расмийлари ва Ўзбекистон диний эркинлик жамияти вакиллари ўртасида очиқ учрашувлар ўтказишни тарғиб қилиш; ва
- малака айирбошлаш дастурларида Ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва дин вакиллари учун имкониятларни кенгайтириш, айниқса:
 - барча диний жамиятлар вакилларини қамраб олиш мақсадида Ўзбекистонлик дин етакчилари учун малака айирбошлаш дастурларини кенгайтириш; ва
 - малака айирбошлаш дастурининг Ўзбекистонлик қатнашчиси Ўзбекистонга қайтгандан сўнг Ўзбекистон давлат идоралари билан қийинчиликларга йўлиққан ҳолатларда АҚШ элчихонаси кескин қаршилик билдиришини таъминлаш, ҳамда, агар бундай қийинчиликлар давом этса, АҚШ-Ўзбекистон муносабатларининг бошқа жиҳатларида салбий оқибатларга олиб келиши, жумладан, юқори даражадаги учрашувлар таъқиқланиши ҳақида хабар бериш.